



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 13 МАРТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 50 (12.611)

Баҳоси эркин нарҳда



«Ташаббус — 2014»



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Кеча тадбиркор ва ҳунармандларнинг ўзига хос кўригига айланган аънавий «Ташаббус» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман босқичларида муваффақиятли иштирок этган 20 нафардан зиёд тадбиркор ва ҳунарманд иштирок этди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Соҳага оид қабул қилинаётган қарорларнинг амалиётга кенг татбиқи этилиши ишлаб чиқариш субъектлари сонининг ортиб боришига ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан бир қаторда ўзбекистон урф-одат ва аънавларида асрлар давомидида сақлаб келаётган миллий ҳунармандчилигимиз тобора ривожланиб бормоқда. Таъкидлаш жоиз, Истиклол йиллари давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги самарасида юртимизда ушбу соҳа янада ривож топди. Авлоддан-авлодга, устадан-шогирдга ўтиб келаётган ҳунармандчилигимизнинг баъзи унутилган турлари қайта тикланди ва бугунги кунда уларни ёш авлодга ўргатиш аънаъси давом этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови тадбиркорлар ва ҳунармандларнинг маҳсулотлари ва ижодий ишларини кенг намойиш этиш, ўзаро фикр алмашиш ва илғор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Маданият ва санъат кўргазмаси»да бўлиб ўтган танловда тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқараётган сўт маҳсулотлари, трикотаж маҳсулотлари, тиббиёт ускуналари, ҳар хил турдаги музлаткичлар сингари кенг турдаги маҳсулотларни намойиш этишди. Ҳунармандлар эса мусиқа асбоблари, миллий либослар, зебу зиналар, ёғоч ўймакорлиги буюмлари билан кўргазмани янада бойитдилар.

Сўнгги йилларда кўрик-танловни юқори савияда ва ҳолислик асосида ўтказиш учун керакли чора-тадбирлар кўрилиб, уни амалга ошириш ишлари олиб боришмоқда. Янги иш ўринларини ташкил этиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича самарали фаолият олиб бораётган корхоналар танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

«Magnum Medikal Servis» масъулияти чекланган жамияти ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. Корхонада бугунги кунда тиббиётга оид асбоб-ускуналар ҳамда тиббий мебель жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда ва соғлиқни сақлаш муассасаларида кенг қўлланыляпти.

Танловнинг «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича ғолибликни мазкур корхона раҳбари Отабек Жиянбоев қўлга киритди.

«Энг яхши ҳунарманд» номига эса миллий нақшошлик йўналиши бўйича иш олиб бораётган Камолитдин Абдуллаев лойиқ деб топилди.

Барча иштирокчилар каби мен ҳам ғолиб бўлишни мақсад қилганим ва ниятимга эришганимдан жуда хурсандман, — дейди К.Абдуллаев. — Мамлакатимизда биз, ҳунармандлар учун қўллаб-имкониятлар яратилганлиги сабабли миллий ҳунармандчилигимиз жадал ривожланмоқда. Буни бугунги тадбирда иштирок этаётган ҳунармандларнинг маҳсулотларидан ҳам билиб ола бўлади. Танловнинг республика босқичида ҳам муносиб иштирок этишга ҳаракат қиламиз.

Танлов ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди ва улар кўриқнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Тадбирда яна бир қатор номинациялар бўйича энг яхши деб топилган иштирокчиларга таъкидотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Абдуллим Салимов
Ислом Исмоилов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 12 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини шу йил 10-11 апрель кунлари Тошкент шаҳрида қақариш ҳақида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислох қилиш ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»-ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги (янги таҳрири), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»-ги, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»-ги қонунлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашни, фуқаролик жамиятини шакллантиришни, қонун устуворлигини таъминлашни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини яхшилашни назарда тутадиган, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг фаолияти тўғрисидаги, Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни муҳокама қилдилар. Сенаторлар ялпи мажлисда адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини қўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш борасидаги ишлари мувофиқлаштириш учун тегишли ишчи гuruh тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Соғлом авлод камолоти йўлида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг анжумани бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фондининг васийлик кенгаши ва бошқаруви аъзолари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган делегатлар иштирок этди.

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичлари ўтказилмоқда. Танловнинг Пастдарғомда ўтказилган туман босқичида қирқ нафарга яқин тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни намойиш этди. Кўрик-танловда, шунингдек, бир қатор қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида донни қайта ишлашга ихтисослашган янги корхона ишга тушди. «Чимбойдонмаҳсулотлари» очик акциядорлик жамияти таркибида фаолият бошлаган ушбу корхона бир кеча-кундузда 50 тонна бугдойни қайта ишлаш имкониятига эга. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада меҳнат қилаётган ўттиз нафардан зиёд ишчи-ходимнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

• Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимининг вилоятда фуқаролик жамияти ривожланишининг сон ва сифат ўзгаришлари мавзусида ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти, грант танловида ғолиб бўлган ННТлар тажрибаси, ҳудудий оммавий ахборот воситалари, партия ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар таҳлил этилиб, эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

ЖАҲОНДА

• Германиянинг «Audi» компанияси светофор чироқларининг ўчиб-ёниш вақтини автомобиль экранли орқали кузатиб туриш имконини берадиган ноёб тизим яратди. Интернет ёрдамида ишлайдиган мазкур технология нафақат ҳайдовчи учун қулайлик яратди, балки атроф-муҳитга зарарли газлар чиқаришни ҳам сезиларли даражада қамқатириш имконини беради.

• АҚШнинг Жонс Хопкинс университети олимлари 2013 йилнинг апрель ойида орттирилган иммун вируси (ОИВ) билан туғилган қизалоқ ўтказилган муолажалардан сўнг бутунлай соғайиб кетганини маълум қилишди. Аммо у муайян муддат шифокорлар назоратида бўлади ва даволанишда давом этади. Гўдакка касаллик унинг онасидан юққан. Афсуски, ОИВга чалинган аёл ҳомиладор вақтида ҳам даволаниш ҳақида ўйламаган экан.

• Италиянинг «UniCredit» банки ўтган йилни 14 миллиард евро микдоридида зарар билан якунлаганини маълум қилди. Унинг асосий қисми тўртинчи чорақдаги салбий натижалар билан боғлиқ бўлиб, ушбу даврда молия муассасаси 9 миллиард евро ҳажмида зиён кўрган. «UniCredit» мутасаддилари банк фаолиятини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган янги режа вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга ишонч билдиришмоқда.

АНУМУЛА ГИТЕШ САРМА: ЎЗБЕКИСТОНДА НАВРЎЗ ЎЗГАЧА ШУКУҲ БИЛАН НИШОНЛАНАДИ

Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбири Ҳиндистон Республикасининг Мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Ануमुла Гитеш САРМА билан сўхбатлашди.



— Наврўз байрамнинг моҳиятида эзгу ғоялар муҳассам. Бу айём инсонларни тинчлик-осойишталикка, тотувлик ва бағрикенгликка, меҳр-оқибатга ундайди. Ободлик ва бунёдкорлик ҳисси билан яшашни тарғиб этади.

Ўзбекистонда Наврўз ўзгача шукуҳ билан нишонланади. Ортингиздаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари янада фаоллашади. Хашарлар ташкил этилиб, ён-атроф киш губорларидан тозаланади. Кўмакка муҳтож инсонларга меҳр-муруват кўрсатилади. Байрам шодиёналарида миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларингиз бирдек хурсандчилик билан иштирок этади. Ўзбекистон халқининг бундай аҳиллиги ва тотувлигига ҳавас қилас арзийди.

Наврўз Ҳиндистоннинг гарбий қисмида, хусусан, Мумбай шаҳрида кенг байрам қилинади. Бу куни ёш қари бир жойга йиғилиб, байрам таомларидан тановул қилади. Дўстона ришталар янада мустаҳкамланади.

Ҳиндистонда ҳам шунга ўхшаш байрам — Холи нишонланади. Бу куни одамлар бир-бирига турли рангдаги сувлар ва кўкунлар сепида. Ранг-баранг кўчалар, кўй-кўчиқлар айём фазисига фазз қўшади. Одамлар бир-бирларининг ҳол-аҳволидан хабар олади, ширинлик ва совғалар улашади. Бу кунда ўзаро адоватга барҳам берилиб, гина-қудуратлар унутилади.

(Давоми 3-бетда)

15 МАРТ — УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

МАРТ-АПРЕЛЬ — ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Юртимизда ўз кўрку таровати билан баҳор кезмоқда. Ҳароратлар илиқлик, кўча ва хиёбонларимиздаги дарахлар, гуллару майсалар ҳам мана-мана, яшиллик оламига бурканиш арафасида. Элда ҳам ўзгача гайрат бериб, гайрат билан меҳнат қилишга ундайди.

Аънаана кўра, Тошкент шаҳар ҳокимининг шу йил 10 мартдаги қарорига биноан, март-апрель ойлари Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Ойликни ўтказиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳи, амалга ошириладиган тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди. **Жорий йилнинг 15 март куни умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.**

Қарорда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик қўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳам-жиҳатликни янада кучайтириш, бе-



ғараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, пойтахтдаги санта-рия-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш белгиланди.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашари доирасида аҳоли яшаш жойлари, кўп қаватли бинолар ва уйлар атрофи, гузарлар, хиёбонлар,



зиёратгоҳлар ва қабристонлар, ариқлар, кўча ва йўлакларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш, барча турар жой мавзёлари, маҳаллаларда гул қўчатлари, меваги ва манзарали дарахлар экиш, бўш ҳудудларда боғлар барпо этиш, дарахларни оқлаш ва буташ, кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш, жойларда тўпланган чичиндиларнинг ташкилий равишда олиб чиқилишини таъминлаш ишларининг бажарилиши кўзда тутилган.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Хитой халқаро савдога қўмаклашиш қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг савдо, сармоё, таълим, иқтисодий алоқалар, нефть-кўмир саноати, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сайёҳлик ва логистика каби соҳалари учун масъул вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Хитой халқаро савдога қўмаклашиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Чжан Вэй ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йилнинг сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорлик борасидаги мавжуд имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация асосида барча соҳаларда жадал тараққий этмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоёвий ҳамкорлари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қўлашқини яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мутасил ўсиб бораётди. Бу борадаги кўрсаткич 2013 йилда 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон-

да Хитой сармоёси иштирокида тузилган беш юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

Мамлакатимиздаги қўлай бизнес муҳити, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган афзалликлар ва қарорлар тизими хитойлик ишбилармонларнинг юртимиз иқтисодиётига қизиқиши ва ишончини оширмоқда.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал тараққий этмоқда, — деди Хитой халқаро савдога қўмаклашиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Чжан Вэй. — Ўзбекистондаги қўлай сармоёвий муҳит ва улкан иқтисодий имкониятлар билан бевосита танишиш, бу борадаги мавжуд салоҳиятдан тўлароқ фойдаланиш мақсадида кўплаб етакчи фирма ва компанияларимиз вакиллари истиқболли лойиҳалар билан келган. Ўзаро ҳамкорлигимиз янада раванқ топишига ишонамиз.

Хориж сармоёси иштирокида юқори технологияли лойиҳаларни амалга оширишда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари муҳим аҳамият касб этмоқда. Форумда хитойлик ишбилармонларга ушбу иқтисодий зоналардаги имконият ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Анжуманда нефть-газ, кўмир саноати, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва енгил саноат каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Хитой халқаро савдога қўмаклашиш қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид битим имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонларининг кооперация биржаси ҳам бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — инсон манфаатлари, аҳоли фаровонлиги ва иқтисодиёт тараққиётidir.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАҲҚАРОР РИВОЖИДА БАҲҚАМОЛ АВЛОДНИНГ ЎРНИ

Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасида бунга эришяпмиз. Жорий йилнинг мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинишида мамлакат келажаги, тараққиёти ва фаровонлиги кўзланган. Ана шу мақсадни амалга ошириш эса кўп жиҳатдан ёшларимизга боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тўзмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоё сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассислар, ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайдир».

Ана шундай вазифалардан келиб чиққан ҳолда юртимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Негаки, унинг негизи ихчам ва ҳаракатчан. Бу эса бозор конъюктурасига, истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжига тез мослаша олиш хусусиятини юзга келтиради. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобла-

нади. Бу йилдан йилга ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бораётганлиги, аҳолини иш билан таъминлашда ҳиссаси ошиб боришида намоён бўлмоқда.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг иқтисодий билимларини кенгайтириш, уларнинг бу жараёнга алоқадорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янгича иқтисодий тафаккур ёшларда меҳнатсиз даромад, боқимандалик, тараққиётга олиб бормаслиги ва товар ишлаб чиқариш талабларига зид эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни шакллантиради. Шу билан бирга у ёшлардан ишбилармонлик ва тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатишларини тақозо этади.

Юрт тараққиёти ва иқтисодиёт юксалиши ёшларнинг иқтисодий билими, ғайрат ва шижоатига ҳам боғлиқ. Шундай экан, яратиб берилаётган шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлардан самарали фойдаланиб, тараққиётга муносиб улуш қўлаш ёшларнинг бурчи ҳамдир. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожига барқамол авлоднинг ўрни бекуёс. Зеро, бошланган хайрли ишларни давом эттириш уларнинг зиммасида. Демакки, фаровонлик ва тараққиёт учун хизматни барқамол авлод давом эттиражак. Бу эса бизнинг кўзланган мақсадимиздир.

Абдулжаббор ҒАНИЕВ,
Тошкент молия институтини талабаси



Бу ерда бичиш, тикиш, тасвирий санъат, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, либос дизайни, пазандчилик, бисер тўқиш каби 40 дан ортиқ турли тўғараклар, миллий мусиқа ансамбллари ва рақс дасталари фаолият кўрсатмоқда. Ўғил-қизларни қирқ иккита тўғарак раҳбари ва тўққиз нафар услубчи сабоқ бермоқда.

«Барқамол авлод» республика болалар бадий ижодиёт маркази аъзолари шаҳар ва республика миқёсидаги байрам тадбирларида мунтазам иштирок этиб келаётди. Айни пайтда пойтахтимиздаги мактаб, касб-хунар коллежи ва академик лицейларда таълим олаётган 800 нафардан ортиқ ўқувчи бу ердаги тўғаракларда қатнашмоқда. Ўғил-қизларнинг эъқариёти бадий ижод бўйича йиллий ва халқаро танловлар соғирдоридир.

СУРАТДА: «Барқамол авлод» республика болалар бадий ижодиёт марказида Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Маълумки, бугунги кунда дунёда аҳолини иш билан таъминлаш, бунинг учун мақбул шароитлар яратиш энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Чунки кўплаб ривожланган давлатларда молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари ҳамон кузатиляпти ва бу аҳоли турмуш фаровонлиги, унинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга жиддий тўсиқлар қўймоқда.

Ана шундай ноқулай шароитда ҳам мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан истиқболнинг йилларидан узокни ўйлаб ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» асосида ҳаётга татбиқ этилган ислохотлар жамиятда ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш, шу асосда халқимиз турмуш фаровонлигини изчил юксалтириш имконини бермоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, аҳоли бандлигини таъминлаш истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч мунобағасиз, энг муҳим шартидир.

Бинобарин, ҳар йили иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид давлат дастури

рига устувор аҳамият қаратилгани ўз самараларини берди. Яъни янги объектлар, кичик корхонау микрофирмалар очилди, мавжудлари тубдан модернизацияланди, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. Корхоналар билан кооперацияда ва пудрат шартномалари асосида ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Яна бир диққатга молик жиҳати, туманда оилавий тадбиркорлик ва хунарамандликнинг жадал қулоч ёзаётганидир. Гап шундаки, 2013 йил давомида 358 нафар тадбиркор фаолиятини ушбу соҳаси билан шуғулланиб, ўз рўзгорига барака келтирди.

Умуман олганда, юқоридаги саноат-хўжаликнинг пировард натижасида йиллик дастурда 8167 та иш жойи очилди мўлжаллангани ҳолда амалда бу рақам 8260

га олиш, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, яратиладиган иш ўринлари молиявий манбалари, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга қилишга доир асосий механизмлар кўрсатиб ўтилган.

Айтиш лозимки, дастур халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари фаол иштирокида ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Ўз навбатида дастурнинг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш юзасидан муайян ишлар қилинди. Бунда шаҳар ҳокимлигининг янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ишчи гуруҳи бошчилигидаги туман ишчи гуруҳлари бевосита иштирок этди.

Умуман, ушбу дастур асосида комплекс ва ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилиб, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг иш ўринларини яратиш бўйича салоҳияти ишга солинади. Демографик омилар, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилади. Бандлигининг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашилади. Аҳолининг ишбилармонлик ташаббуслари рағбатлантирилади. Бунда 2013-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги; инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш жадаллаштириш; тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш; ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир; инвестиция бўйича; истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа дастурлар билан ҳамроҳлиқда иш олиб борилади. Бу ўз ўрнида қўшилган натижаларни тақдим этиши, меҳнат бозорининг таркибининг тақомиллаштириш, ишчи қучига талаб ва тақлиф мувозанатини таъминлаш, юқори малакали ишлаб чиқариш-техник ходимлари сонини кўпайтиришда айна мудоаодир.

Бунинг учун дастурнинг изчил ва самарали амалга оширилиши туманлар, тармоқлар ва аниқ корхоналар тизимида доимий мониторинг қилиб борилади. Бунда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик томонидан яратилган ҳамда муваффақиятли синовдан ўтказилган он-лайн ахборот тизими ишга солинади. Ушбу жараёнларда маҳаллий Кенгаш депутатлари, доимий комиссиялар аъзолари фаол иштирок этади. Шуларга мувофиқ аниқланган камчиликлар, уларнинг сабаблари кўрсатилиб, аниқ тақлифлар берилади.

Буларнинг барчаси ҳудудларда аҳоли бандлигини мустаҳкамлаш самарадорлигини янада юксалтириш, шу асосда фаровонлигини ошириш, соҳага демократик механизмларни янада кенгроқ жорий этишда салмоқли роль ўйнайди.

Ақром ҲОШИМОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲИСОБ ПАЛАТАСИНING ҲИСОБОТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

12 март кунини депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисининг аввал тасдиқланган кун тартибига киритилган масалаларнинг муҳокамасини давом эттирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2013 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини қўриб чиқди. Ушбу масала бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг раиси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси ҳисобот маърузалари билан сўзга чиқдилар.

Сиёсий партияларнинг етакчилари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга берилаётган катта эътибор тўғрисида мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири сезиларли даражада кўнайлганлигини таъкидладилар. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун бўйича сиёсий партия агар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов якунларига кўра Қонунчилик палатасида фракция ташкил этиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларига эга бўлган бўлса, ўз устув фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга.

Маърузачилар Ўзбекистоннинг барча сиёсий партиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва мундарицада молиявий ҳамда бухгалтерлик ҳисоботини тақдим этганлигини таъкидладилар. Улар ҳисобот даврида молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши ҳақидаги молиявий ҳужжатларни молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ва Адлия вазирлигига ўз вақтида топширдилар.

Ушбу масалани муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишида сиёсий партияларнинг роли қўлайлиги бораётганлиги муносабати билан «уларнинг» молиявий интизомини мустаҳкамлашда парламент назорати алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар.

Депутатларнинг фикрича, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий-қадрлар ҳамда бошқа ресурслари уларнинг ўз дастурий мақсадлари ва вазифаларини амалда рўйбга чиқаришда катта аҳамиятга эга, шу сабабли улар шаффоф ва қонуний, доимо жамоатчилик назоратида бўлиши муҳимдир. Шунингдек, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, парламентда ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат қўлайлиги бораётган шароитларда бу масала доимо депутатларнинг диққат-эътиборини талаб қилади. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган даврда бюджет маблағларидан жуда оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш лозим.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар сиёсий партияларнинг 2013 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилдилар.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг қўйи палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги ҳисоботини қўриб чиқди. Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Қ.Акмалов ҳисобот билан сўзга чиқди. Маърузачи Ҳисоб палатасининг ҳисобот давридаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил январь ойида бўлиб ўтган 2012 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов томонидан белгиланган давлат устувор вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилганлигини қайд этди.

Бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ташқи аудити ва уни баҳолаш ўтказилди, солиқ ва бюджет сёсати-сини 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлар ҳамда мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси экспертиза қилинди. Ҳисоб палатаси томонидан республика ва маҳаллий миқёсда Давлат бюджетининг шаклланиши ва ижроси устидан назорат ташкил этилиб, бюджет маблағларининг қонунийлиги, мақсадли йўналтирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши текширилди.

Давлат бюджетининг даромад қисми тўғри шакллантирилиши, шунингдек, ҳудудларда ва тармоқлар бўйича бюджетдан моддама-модда ва тўлиқ фойдаланилиши таҳлил қилинди, асосий даромад манбалари бўйича прогноз кўрсаткичларининг ҳақиқийлигига баҳо берилди. Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси томонидан давлат бюджетига жалланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг шакллантирилиши, уларнинг мақсадли, оқилона ва самарали сарфланиши устидан ўз-ўзидан назорат амалга оширилди, бошқа муҳим йўналишлар бўйича ишлар олиб борилади. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги» қонунни ижро этиш мақсадида Ҳисоб палатаси сиёсий партияларнинг молиявий маблағлари шакллантирилишини, шунингдек, улардан мақсадли фойдаланилишини текширди.

Савол-жавоблардан сўнг ҳисобот батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги ҳисоботини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН



АНУМУЛА ГИТЕШ САРМА: ЎЗБЕКИСТОНДА НАВРЎЗ ЎЗГАЧА ШУКУҲ БИЛАН НИШОНЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Жаноб элчи, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ривож ва истиқбол ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқлари қадимдан дўстлик ришталари билан боғланган, маданиятимиз, урф-одат ва қадриятларимиз ўхшаш. Бугун биз ўзаро ҳамкорлигимизни замон талабига мос равишда изчил тараққий эттирмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистон Республикасига давлат ташири мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва муносабатларимизни стратегик шериклик даражасига кўтаришда муҳим омил бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ташири чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик ривожига юқори суръат бахш этди.

2013 йилнинг май ойида Ҳиндистон Республикаси вице-президенти Ҳамид Ангорийнинг Ўзбекистонга расмий ташири мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилди. Бугунги кунда ўзаро алоқаларимизнинг, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришнинг янги имконият ва қирраларини кашф этиш йўлида иш олиб бораёмиз. Шунингдек, қайд этиш жоизки, ахборот технологиялари, фармацевтика, пахтачилик, ипакчилик ва замонавий ишлаб чиқаришнинг бошқа қатор соҳаларидаги ҳамкорлигимизнинг истиқболи порлок. Ўзаро муносабатларимизнинг мустақамлашишида маданий-маърифий алоқалар ҳам катта ўрин тутади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида замонавий санат тармоғига эга, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Икки давлат мутахассислари ўртасида тажриба алмашиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбекистонда тинчлик-оқошчилик, миллатлараро тотувлик муҳити қарор тошган. Турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, ягона мақсад билан яшаётгани эътиборга сазовор.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг узоқни қўлаб юритаётган оқилона сиёсати мамлакат ва минтақада тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга улкан ҳисса қўшмоқда. Ҳиндистон буюк истиқбол сари дадил одимлаётган Ўзбекистонни доим қўлаб-қувватлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Нодира МАНЗУРОВА
суҳбатлашди

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар ва амалга оширилаётган кенг қамровли ишларга назар ташлайдиган бўлсак ҳар соҳада юксалиш ва ривожланиш жараёнларини сезиш мумкин.

Аслида Мустақиллигимизнинг биринчи кунларида-ноқ Ватанимизда бошланган халқимизнинг бунёдкорлик ишлари барча вилоятлар марказларида, ҳатто чекка-чекка қишлоқларда ҳам кўзга кўринарли даражада амалга оширила бошландики, иқсана дарв ичиде кўз ўнгимизда янги-янги қўчалар, гўзал бинолар, кўркам боғу роғлар пайдо бўлаётганлиги барчамизни қувонтирапти. Ҳатто вилоят марказларида яқин бир-икки йил ичиде бўлмаган кишилар бундай ўзгаришларни кўриб, хайратда қолаётганлигига ҳам ғувоҳ бўляёмиз. Бунга мисол тариқасида пойтахтимиз Тошкентда, қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида ва Фарғона водийсининг Наманган, Андижон ва Фарғона шаҳрларидаги ўтган йиллар давомидаги бунёд этилган янги бинолар, обод бўлган янги қўчалар ва боғу роғларни айтиб ўтишимизнинг ўзи кифоя.

Халқимиздаги яна бир аjoyиб анъана — ҳар йили эрта баҳорда, Наврўз байрами арафасида Ватанимизда уюштирилаётган кенг қамровли ҳашарларда барча фуқароларимиз, айниқса ёшларимизнинг фаол иштирок этишларини турмушимизнинг янада фаровон ва обод бўлишига қўшган ҳиссаларининг бир қисми деб айтиш мумкин. Мана, бу йил ҳам 15 март куни ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида юртимиз янада обод ва кўркам, кўламазор бўлади. Унда бизнинг ўқув юртимиз жамоаси ҳам фаол иштирок этади.



ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эътиборли жиҳати, қарорда ишчи гуруҳига кес ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан халбар олиш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш вазифаси ҳам юкланган.

Мутасадди ташкилотларнинг ойлик давомида ва ҳашар куни тўланадиган чиқиндиларнинг ташкилий равишда олиб чиқиши учун зарур техник воситалари ва анжомлар билан таъминлаши кўрсатиб ўтилган.

Умумхалқ хайрия ҳашари ҳамда ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ойлигини ўтказиш тадбирларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва ҳарбий қисмлар, шунингдек, шаҳримиздаги барча аҳоли, айниқса ёшлар фаол иштирок этишига ишончимиз комил.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий

ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни ижтимоий қўлаб-қувватлаш, маҳаллалардаги мавжуд спорт майдончаларини жорий таъмирлаш ҳамда уларни керакли спорт анжомлари билан жиҳозлаш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини яхшилаш каби тадбирларга мақсадли йўналтирилади.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Наврўз — она табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Шу боис бу айёмнинг ҳар бир кунини ғанимат билиб, мева ва манзарали дараклар кўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш баҳорий мавсумнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини унутмайлик!

Ободонлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этайлик, шаҳримизни янада гўзал ва обод қилишга ўз ҳиссамизни қўшайлик.



БУНЁДКОРЛИК ШУКУҲИ

лаштириш, бир-бирдан чиройли биноларнинг барпо бўлаётганлиги ҳаммамизга завқ-шавқ бағишлаши табиийдир. Айниқса пойтахтимиз Тошкентнинг кундан-кунга чиройига чирой қўшилиб, гўзаллашаётгани эътиборга лойиқдир. Нафақат пойтахт меҳмонлари, балки барча шаҳарликлар ҳам кечки Тошкентнинг айланиш бетақдор манзаралари — муҳташам Маънавият маърифат маркази, Алишер Навоий кутубхонаси, улкан Санъат саройи ва кўпгина илм марказларидан баҳра оладилар. Айниқса, ёзининг иссиқ кунларида кечки пайт барчага ҳузурбахш этаётган мусиқавий ва рангдор фавворалар ансамблини айтмайсизми. Тошкент оқшомининг кўрқига кўрк қўшаётган ушбу фаввораларнинг тунги чироқлар ёғдусида ял-ял товланиб туриши, нафақат оқшом чоғлари сайр қилиб, хордиқ чиқара-

даги ҳамшаҳарларимизга, балки кўпда хоридан келган меҳмонларга ҳам олам-олам қувонч бағишлаши шубҳасиздир.

Президентиимизнинг 2012 йилги пойтахтимиздаги икки олий ўқув юрти, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва Тошкент Давлат санъат институтлари негиз асосида ягона Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини барпо этиш ҳақидаги Қарорларига асосан бугунги кунда Тошкент шаҳрида юқори даражали энг илғор замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган институт янги биносининг очилишини ҳам алоҳида эътироф этиш мақсадида мувофиқ деб ўйлаймиз. Янги бинода талабаларнинг ўқув жараёнлари учун барча қулайликлар мавжуд бўлиб, ўқув хоналаридаги замонавий жиҳозлар, институт ахборот-ресурс марказидаги янги ўқув адабиётлари билан бирига жаҳон мумтоз адабиётларининг электрон нусхаларининг борлиги, улардан талабаларнинг унумли фойдаланишлари учун аудио-видео техникалардан фойдаланиш имконияти яратилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Бундан ташқари талабалар турар жойларида ҳам яхши хордиқ чиқаришлари ва спорт билан шуғулланишлари учун алоҳида шароитлар яратилган. Институт қошидаги сув хавзаси, спорт майдончаси ҳам шулар жумласидандир.

Ушбу янги бинода таҳсил олаётган талабаларимизнинг келгусида театр санъатимизни янада юксак чўққиларга кўтаришларига ўз ҳиссаларини қўшишларини ният қилиб қоламиз.

Баҳодир МАГДИЕВ,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият
институтини ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМИШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА! ДУК «СУВСОЗ»

Энергоресурсларнинг нархи ошганлиги сабабли, 2014 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳри аҳолиси учун ичимлик суви ва оқава сувлари тарифларининг қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 130 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

Оқава сув бўйича — 1 м³ учун 82 сўм 00 тийин, ҚҚС сиз.

Изоҳ: «Сувсоз» ДУК маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги «Республика иссиқ ва совуқ сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 300-сонли қарорига мувофиқ 2013 йил 1 декабридан аҳолига етказиб берилган совуқ сув таъминоти хизматлари учун, Сув ўлчагич асбоблари ўрнатилмаган ҳолатларда, ўрнатилган тарифларга нисбатан 1,5 коэффицентни қўллаган ҳолда тўловлар ташкил этилади.

Совуқ сув ҳисобини олиб бориш асбоблари бўлмаган хонадонларда, у ерда рўйхатдан ўтказилган фуқаролар бўлмаган ҳолатларда, ичимлик ва оқава сув хизматлари учун тўловлар истеъмол меъёрларига кўра, ўрнатилган тарифларга нисбатан 1,5 коэффицентни қўллаган ҳолда қуйидагича амалга оширилади:

- бир ва икки хонали уйларда бир киши ҳисобидан;
- уч хонали уйларда икки киши ҳисобидан;
- тўрт хонали уйларда уч киши ҳисобидан;
- беш хонали уйларда тўрт киши ҳисобидан тўловлар амалга оширилади ва ҳоказо...

БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАСССАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ДИЁР МЕАНА» масъумияти чекланган жамъияти яқинлашиб келаётган яшариш ва янгилаш раъзи — Наврўз байрами билан ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини самимий қутлабди.

Фурсатдан фойдаланиб, Наврўзи олам тантаналари ҳамда бошқа байрам тадбирларининг таниқли санъаткорлар, сўз усталари бошловчилар, режиссёрлар иштирокида дастурлаштирилган сценарий асосида ўтказиб бериш имкониятига эгалигимизни эълан қиламиз. Шунингдек, тадбирни суратга ва тасвирга олиш хизматларидан ҳам фойдаланишнинг мумкин. Тўловлар шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар: 8-371-233-00-14; 233-00-28;

233-22-27; (+998 90) 975-91-07; (+998 91) 162-30-02.

Манзил: Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй.

Хизматлар лицензияланган.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ДУК «СУВСОЗ»

«ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ» ШЎБА КОРХОНАСИ

Электр энергияси нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2014 йил 1 апрелдан тижорат ва санъат корхоналари учун тарифларнинг қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 265 сўм, ҚҚСсиз.

Оқава сув бўйича — 1 м³ учун 152 сўм, ҚҚСсиз.

«КО'СНАС МЎЛК СЎВДО ХИЗМАТИ» МЧК бошланғич баҳоси босқич-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосида иштирок этишга этакди!

Аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан, Жинот ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖСК-1-55 сонли иқро варақасига асосан, «Қараган Холдинг» тизимидаги «Stroygorod» ЕАЖ УМ, «Кондери Қараган Стройгород» МЧК, «СЖ Сервис» МЧК, «Фаст Фуд» МЧК, «Стройгород Медиа» МЧК, «Стройгород Инжин» МЧК, «СЖ Проект Мастер» МЧК, «Қараган Стройгород» МЧК, «СЖ Хизматчи» МЧК, «СЖ Хоме Депот» МЧК, «СЖ Промстрой Материал» МЧК, «Стройгород Экспресс» МЧК, «Стройгород Ютук» МЧК, «Сарбон экспресс» МЧК, «Элит Бизнес» МЧКга тегишли мол-мулкларни мулкчи мажмуа сифатида тақдоран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 105 533 339 105,5 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 31 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўналари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 28 март куни соат 18:00.

Савдога қўйилган қўчмас мулклар билан тегишли суд иқро-чилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида иқро ҳужжати рақами ва санодини кўрсатган ҳолда «КМСК» МЧКнинг «Ипак йўли банк» ОАЙБ Сарбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: 2020800094920609114, МҚО.01036, ИИН.207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ол-мазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.tkts.uz. Лицензия: RR-0001.

2014 йил — Соғлом бола йили



Барчамизга маълумки, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланган. Ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар тарафлама соғлом ва етук этиб тарбиялашда биз катталар масъулмиз.

ЁШ СПОРТЧИЛАР ФЕСТИВАЛИ

Юнусобод туманида жойлашган «Саховат спорт сервис» АЖ сув ҳавзасида спортнинг сузиш, синхрон сузиш ва сувга сакраш ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университети спорт залида гимнастрада ва спорт рақси турлари бўйича ўқувчи-ёшлар ўртасида «Нафосат олами» шиори остида «Соғлом авлод учун» кубоги учун III Республика спорт фестивали бўлиб ўтди.

«Соғлом бола йили»га бағишлаб ўтказилган фестиваль Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Тасвирий Ўйна» ижодий уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор улғайиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат

қилаётганини таъкидлашди.

Айтиш кераки, кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Бунинг натижасида спортни доимий ҳамроҳига айлантирган ёшларнинг саломатлик кўрсаткичи яхшиланиб, дунёқараши кенгаймоқда, таълим, спорт ва бошқа соҳаларда юқори ўринларга эришишмоқда.

Мазкур фестивални ташкил этишдан мақсад ёшларни, айниқса қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишларини таъминлаш, маънан ҳамда жисмонан жиҳатдан соғлом бўлиб улғайишларига қўмаклашишдир.

Ушбу мусобақада 1998 — 2006 йилларда туғилган ўсмир болалар ва қизлар ўзларининг кучларини синаб кўришиб, галабани кўлга киритиш учун қизгин кураш олиб бордилар.

Фестивалда голиб бўлганлар мутасаддилар томонидан рағбатлантирилди.

Зафар НАЗАРОВ
Ислам Исмоилов олган сурат

СОҒЛОМ БОЛА — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Сергели туманидаги «Нилуфар» номли 292-мактабгача таълим муассасасида ўтказилган «Бадантарбия машқлари — саломатлик гарови» мавзусидаги очик амалий машғулот тарбияланувчиларни соғломлаштириш, жисмоний тарбияга жалб қилиш ва чиниқтиришга қаратилди.

Тадбирда мазкур мактабгача таълим муассасасидаги учта илк боғча ёшидаги ҳамда 11та катта тайёрлов гуруҳларининг тарбияланувчилари, тарбиячилар, методист ва жисмоний тарбия йўриқчилари, «Иттифок» маҳалласининг маслаҳатчилари, ота-оналар иштирок этди.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин, дунёдаги давлатлар орасида эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун қайғуриш, уларнинг замон талабларига мос билим олиши, касб-хунар танлаши, қobiliяти ва иқтидорини эркин намоён қилиши ва янада ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишда мамлакатимиз дадил одимлаб бормоқда. Бу ҳақиқатни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳам чуқур эътироф этганлигини таъкидлаш ўринлидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимишга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз қўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз». Ушбу талаб асосида мамлакатимизда жисмонан соғлом, билим ва тафаккурни ўқир ва теран, муайян касбга ва мутахассисликка эга, собитқадам фарзандлар, яъни баркамол авлодни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Муассасамизда 400 нафар жажжи тарбияланувчилар учун бадий гимнастика, каратэ, рақс, инглиз тили, тасвирий санъат, шахмат, шашка сингари тўғарақлар ҳам ташкил

этилган, — дейди «Нилуфар» номли 292-мактабгача таълим муассасаси мудири Зироат Абдуллаева. — Ушбу машғулотларни методист Муаттар Маҳмудова, дефектолог Умида Усмонова, шунингдек, мусиқа раҳбарлари Дилрабо Нигматхўжаева ва Дилором Каримхўжаева, жисмоний тарбия йўриқчиси Илҳом Каримов, хорижий тил ўқитувчиси, психолог олиб бормоқда. Уларда асосан жисмоний тарбия, атрофдаги олам билан таништириш, нутқ ўстириш, қизиқарли тасвирий фаолият, қуриш ва яшаш ўйинлари амалга оширилади. Ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг инсоний бурчимизга айланиши зарур. Ўғил-қизларимизнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан ривожланишларига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади.

Амалий машғулот давомида очик майдонда болажонлар бадантарбия машқларини бажардилар. Сўнгра гуруҳларга бўлинган ҳолда Наврўз байрами арафасида ўтказиладиган анъанавий ўйинларда ўзларининг куч ва маҳоратларини синовдан ўтказишди. Яқинда барча иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ!

Мана ниҳоят ўзбекистонлик футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар етиб келди. Профессионал футбол лигаси жамоалари 15 мартда мамлакат XXIII миллий чемпионати баҳсларини бошлашади.

Жорий йилда профессионал футбол лигасида 14 та жамоа голиблик учун кураш олиб боради. Пойтахтимиз шарафини амалдаги Ўзбекистон чемпиони ва Кубок соҳиби «Бунёдор», XXII миллий чемпионатнинг кумуш медали совриндори «Локомотив» ҳамда ўтган мавсумдаги тўртинчи ўрин соҳиби «Пахтакор» жамоалари ҳимоя қилишади.

Шуни таъкидлаш жоизки, шахримиз жамоалари мутахассисларнинг таҳминига кўра жорий йилда ҳам факат совринли ўринларга асосий даъвогар ҳисобланишади. Шу боис, XXIII миллий чемпионатга «Пахтакор» ҳам, «Бунёдор» ҳам, «Локомотив» ҳам жиддий ҳозирлик кўришди. Ҳар учала жамоа асосий ўқув-йигин машғулотларини хорижда ўтказишди.

Шаҳримиз жамоалари ўз таркибларини имкон қадар маҳоратли футболчилар билан тўлдиришди. Масалан, Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Бунёдор» ўз сафига испанилик «Барселона» клуби академияси тарбияланувчиси Карлос Кото, украинлик Симоненко, «Бухоро» жамоаси ҳужумчиси Воҳид Шодиевларни қўшиб олган бўлса, «Локомотив» сафида жорий йилда Жасур Ҳасанов, Игнатий Нестеров, Лутфулла Тўраев, украинлик Шевченковлар ҳаракат қилади. «Пахтакор» ҳам Самвел Бабаев етакчилигида ўз сафини ёш, маҳоратли футболчилар билан тўлдиришга интилади. Албатта, пойтахтимиз жамоаларига совринли ўринлар учун курашда Қаршининг «Насаф» ҳамда Олмалиқнинг «Олмалик» клублари рақобатчи бўлишлари қутилмоқда. Чунки жорий йилги мавсумга «Насаф» ҳам, «Олмалик» ҳам жиддий ҳозирлик кўришди. Бу жамоалар ҳам машғулот йиғинларини хорижда уюштиришнинг уддасидан чиқишди.

Дарвоқе, жорий йилги биринчиликда биринчи лигада голибликни кўлга киритган «Андижон» ва «Машъал» командалари яна кучлилар сафида ҳаракат қилишади.

Айтганча, «Локомотив» жамоасини жорий йилда Вадим Абрамов бош мураббий сифатида бошқарадиган бўлди. Ҳужумкор ва очик футболни хуш кўрувчи Абрамовнинг яна «Локомотив» жамоасига етакчилик қилиши олтин медаллар учун асосий даъвогар «Бунёдор»га энди чемпионлик осонликча тегмаслигини исботлайди.

Нима бўлганда ҳам бу йилги чемпионатда мухлислар мурасасиз ва қизиқарли беллашувлар гувоҳига айланишади.

1-тур

15 март

«Бухоро» — «Нефтчи»
«Навбахор» — «Локомотив»
«Насаф» — «Динамо»
«Металлург» — «Олмалик»
«Сўғдиёна» — «Машъал»
«Бунёдор» — «Қизилқум»
«Андижон» — «Пахтакор»

2-тур

23 март

«Нефтчи» — «Пахтакор»
«Қизилқум» — «Андижон»
«Машъал» — «Бунёдор»
«Олмалик» — «Сўғдиёна»
«Динамо» — «Металлург»
«Локомотив» — «Насаф»
«Бухоро» — «Навбахор»

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2014 йил 1 апрелдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясининг улгуржи тарифи ҚҚСсиз 44298 сўм/Гкал миқдорида ва ҚҚС билан 53 157,6 сўм/Гкал миқдорида белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК Тошкент шаҳри аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2014 йил 1 апрелдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади:

марказий иситиш — 787,95 сўм/м²/тақвимий (календарь) йил ойи (турар жой майдони);
иссиқ сув таъминоти:

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 9860,67 сўм/киши/ой;

— умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 7335,38 сўм/киши/ой;

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 2524,99 сўм/м³ 1 м³ истеъмол қилинган иссиқ сув учун.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги «Республика иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 300-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ, эслатиб ўтамиз:

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган юридик шахсларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш иссиқлик энергияси учун белгиланган тарифнинг икки баробар миқдори қўлланилиб амалга оширилади (кўп хонадонли уйларда жойлашган юридик шахслар бундан мустасно).

АҲОЛИ УЧУН:

Рўйхатда турувчи фуқаролари бўлмаган ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилмаган ту-

рар жой хоналарида иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоб-китоблар, истеъмол қилиш меъёрлари бўйича, иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган коэффицентини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

— бир хонали ва икки хонали хонадонларда — бир киши учун;

— уч хонали хонадонларда — икки киши учун;

— тўрт хонали хонадонларда — уч киши учун;

— беш хонали хонадонларда — тўрт киши учун.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 356

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14170 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроил

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ